N 47 (176) • 2008 йил 21 ноябрь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

## Парламент хабарлари

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА



***2008 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Сенат Раиси И.Собиров олиб борди.***

***Сенат Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисини шу йил 4 декабрда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.***

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларини киритиш режалаштирилмоқда: «Амнистия актини қўллаш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида», «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида», «Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида». Шу билан бирга «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга доир, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган Иккинчи факультатив Протоколга (Нью-Йорк, 1989 йил 15 декабрь) қўшилиши ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида», «Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив баённомага (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида», «Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги ва бир қатор қонунлар ҳам кўриб чиқилади.

Шу билан бир қаторда сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бир қатор бошқа масалаларни киритиш ҳам назарда тутилмоқда.

Кенгаш Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн олтинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштиришни Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор идора ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.***

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### МИКРОКРЕДИТ СТАВКАЛАРИ ПАСАЙТИРИЛДИ

**Президентнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-4051-сон Фармони** *(«СБХ»нинг 2008 йил 14 ноябрдаги 46 (746)-сонида чоп этилган)* **билан банк акциядорларининг 2008-2009 йилларда устав капиталини 72 млрд сўмга кўпайтириб, унинг умумий миқдорини 150 млрд сўмга етказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.**

Шунингдек «Микрокредитбанк» АТБ томонидан:

– тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

– кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича – Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;

– кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2 000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизга тушириш тўғрисидаги таклиф маъқулланди.

Бунда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун аввал олинган микрокредитлар ва унга қўшилган фоизларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтариб берган тадбиркорлик субъектлари бизнесни янада ривожлантириш учун кейинги микрокредитларни олиш ва банк хизматларидан фойдаланишда устунлик ҳуқуқига эга бўладилар.

### ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ

**Президентнинг 2008 йил 12 ноябрдаги ПҚ-996-сон қарори билан қуйидаги халқаро ҳужжатлар тасдиқланди:**

***– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қувайт Давлати ҳукумати ўртасида ҳамкорлик бўйича Қўшма қўмита тузиш тўғрисидаги Битим;***

***– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қувайт Давлати ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;***

***– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қувайт Давлати ҳукумати ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;***

***– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қувайт Давлати ҳукумати ўртасида нефть ва газ соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандуми;***

***– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қувайт Давлати ҳукумати ўртасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш учун табиий ресурсларни сақлаб қолиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандуми.***

### ИНВЕСТИЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

**Президентнинг 2008 йил 13 ноябрдаги «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-998-сон қарори билан 2008-2009 йилларда банкнинг устав фондини қўшимча ошириш ва 147,1 млрд сўмга банк акцияларини жойлаштириш тўғрисидаги таклиф маъқулланди.**

Тижорат банкининг инвестиция фаолияти соҳасидаги энг муҳим вазифалари ҳам белгилаб олинди. Чунончи, уларга модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган фаол инвестициявий сиёсатни амалга ошириш; инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун самарали фойдаланиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтариб олинишини таъминлаш; инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш механизмларини такомиллаштириш; мижозларга кенг миқёсдаги банк ва консалтинг хизматларини кўрсатиш, корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларни ташқи ва ички бозорларга олиб чиқишда кўргазмалар, ярмаркалар ташкил этишда ва бошқа шакллар орқали кўмаклашиш; лизинг операцияларини кенгайтириш ва бошқалар киради.

### «ИЛМИЙ» ДАСТУР

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 ноябрдаги «Илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 241-сон қарори билан 2009–2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларини илмий, технологик ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) дастури тасдиқланди.** Ушбу Дастур доирасида Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган асбоб-ускуналар божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) озод этилиши белгиланди.



### ЖАМҒАРМА ИХТИЁРИЙ – МАҚСАДЛАР МАЖБУРИЙ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сон қарори билан Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

Чунончи, меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ҳар қандай ташкилот ташкил этишга ҳақли бўлиб, унда: ташкилотнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган фойдаси (даромади); юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар жамланади. Жамғарма маблағлари **қатъий равишда:** ташкилотда меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилиш дастурларини ишлаб чиқишга; меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга; меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилишни тарғиб қилиш воситалари билан таъминлашга ва Низомда белгиланган меҳнатни муҳофаза қилишга йўналтирилган бошқа тадбирларни молиялаштириш учун фойдаланилади. Шунингдек, бундай тадбирларга **киритилиши мумкин бўлмаган** ишлар рўйхати келтирилган.



Ташкилот ҳар йили, жорий йилнинг IV чорагида келгуси йилда меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқади ва

2-бетда

УШБУ СОНДА

1-2-бетлар — Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?
3-бет — Бизнинг маслаҳатлар
4, 11-бетлар — Кадрлар бўлими
5-10-бетлар — Янги қонун ҳужжатлари

$1 = 1361,12 сўм €1 = 1707,39 £1 = 2003,02 сўм ¥10 = 140,45 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
р44_045
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

тасдиқлайди. Жамғарманинг ҳисобот йилида фойдаланилмаган маблағлари олиб қўйилмайди, кейинги йилга ўтади ҳамда Низомда ва ташкилотнинг ички норматив ҳужжатларида белгиланган мақсадларда сарфланади. **Жамғарма маблағларидан бошқа мақсадларда, шу жумладан солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарзларни, бошқа кредиторлик қарзларини узиш учун фойдаланилиши мумкин эмас.**

### ЭСКИ БАНКНИНГ ЯНГИЧА НОМИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 ноябрдаги 246-сон қарори билан «АБН АМРО Банк Ўзбекистон МБ, Ҳ.Ж.» акциянерлик банки «Royal Bank of Scotland O'zbekiston MB» ЁАЖ (қисқартирилган номи – «RBS O'zbekiston MB») деб қайта номланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

### БОРИШ ҚИЙИН БЎЛГАН ВА ТОҒЛИ ҲУДУДЛАР ЙЎРИҚНОМАГА МУВОФИҚ АНИҚЛАНАДИ

**Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг қўшма қарори билан Аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартиби тўғрисида йўриқнома тасдиқланди** ***(АВ томонидан 2008 йил 11 ноябрда 1868-сон билна рўйхатдан ўтказилган)*** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* **Мазкур йўриқнома бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда ташкил этилаётган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божларини ундириш, шунингдек, мазкур аҳоли пунктларида ўз фаолиятларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўловларининг табақалашган тизимини қўллаш мақсадида аҳоли пунктларини бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритиш тартибини белгилайди.**

Қуйидаги қишлоқ аҳоли пунктлари бориш



қийин бўлган ҳудудлар таркибига киради:

а) яқин жойлашган туман марказлари ва шаҳар чегараларидан 50 километрдан ортиқ масофада жойлашган ҳудудлар;

б) бориш қийин бўлган туманлар рўйхатида кўрсатилган туманлар чегарасида жойлашган ҳудудлар мазкур *(Йўриқноманинг 1-иловаси).*

Туманлар чегарасидаги денгиз сатҳидан 1 000 метр баландликдаги зоналарда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари тоғли ҳудудларда жойлашган ҳисобланади *(Йўриқноманинг 2-иловаси).*

Аҳоли пунктларининг узоқлигини аниқлашда, масофаси яқин жойлашган туман маркази ёки шаҳар чегарасидан то қишлоқ, шаҳарча ва овул чегарасигача бўлган энг яқин автомобиль йўллари бўйлаб ҳисобланган масофа қабул қилинади. Ергеодезкадастр давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари Бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктларининг рўйхатини юқорида келтирилган кўрсаткичларга мувофиқ равишда тасдиқлайдилар ҳамда рўйхатдан ўтказувчи ва солиқ органларига юборадилар.

**2008 йил 21 ноябрдан кучга кирди.**

### ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2008 йил 11 ноябрда 848-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ваколатли давлат органининг Марказий депозитарий билан ўзаро ҳаракатлари тартибига** *(1999 йил 10 декабрь, рўйхат рақами 848)* **ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга кўра Тартиб номи янги таҳрирда баён этилди: Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан ўзаро ҳаракатлари тартиби.

Ҳужжат **эмиссиявий қимматли қоғозлар** таърифи билан тўлдирилди.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қимматли қоғозлар чиқарилиши рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб етти иш кунидан кечиктирмай Марказий депозитарийга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши белгиланган:

– **эмитентнинг қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарори,** *унда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида белги бўлиши керак* (давлат корхонасини очиқ акциядорлик жамиятига қайта ташкил этишда Давлат мулки қўмитаси тасдиқлаган қарор) *(аввал қимматли қоғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома тақдим этиларди);*

– Давлат мулки қўмитаси ёхуд унинг ҳудудий бошқармаси буйруғининг нусхаси (давлат корхоналарини қайта ташкил этиш натижасида тузилган акциядорлик жамиятлари учун);

– қимматли қоғозлар эмиссия проспектининг асл нусхаси;

– *устав нусхаси, шунингдек унга киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчаларнинг нусхалари (аввал бўлганидек, фақат янги ташкил этилган жамиятлар учун эмас, балки барча АЖлар учун);*

– эмитент томонидан расмийлаштирилган белгиланган намунадаги рўйхатдан ўтказиш картаси.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши бекор қилиниши ҳақидаги қарор нусхаси олинган кундан бошлаб **уч иш куни мобайнида** Марказий депозитарий депозитарийнинг ҳисоб регистрларидаги ёзувларни йўқ қилиш йўли билан уни бекор қилиши ҳам ҳужжатда аниқлаштирилган.

Ҳужжатга бошқа ўзгартишлар ҳам киритилди.

**2008 йил 21 ноябрдан кучга кирди.**

**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 8 ноябрдан 14 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 46-сони асосида тайёрланди.**

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 18 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 878,47 | 1 Малайзия ринггити | 378,30 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2003,02 | 1 Польша злотийси | 462,26 |
| 1 Дания кронаси | 229,40 | 1 СДР | 2009,79 |
| 1 БАА дирҳами | 370,55 | 1 Туркия лираси | 845,26 |
| 1 АҚШ доллари | 1361,12 | 1 Швейцария франки | 1135,78 |
| 1 Миср фунти | 247,14 | 1 ЕВРО | 1707,39 |
| 1 Исландия кронаси | 10,02 | 10 Жанубий Корея вони | 9,69 |
| 1 Канада доллари | 1099,63 | 10 Япония иенаси | 140,45 |
| 1 Хитой юани | 199,36 | 1 Россия рубли | 49,79 |
| | | 1 Украина гривнаси | 235,41 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 19.11.2008 | 1 | 0,8094 | 1 | 1,0212 | 1 | 0,0295 |
| Арманистон | 19.11.2008 | 1 | 305,97 | 1 | 385,68 | 1 | 11,14 |
| Беларусь | 20.11.2008 | 1 | 2143,00 | 1 | 2701,04 | 1 | 78,09 |
| Грузия | 19.11.2008 | 1 | 1,65 | 1 | 2,0841 | 1 | 0,0601 |
| Қозоғистон | 20.11.2008 | 1 | 120,14 | 1 | 151,45 | 1 | 4,37 |
| Қирғизистон | 15.11.2008 | 1 | 38,9087 | 1 | 49,4763 | 1 | 1,4232 |
| Латвия | 20.11.2008 | 1 | 0,557 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0203 |
| Литва | 20.11.2008 | 1 | 2,7309 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,9491 |
| Молдова | 19.11.2008 | 1 | 10,3612 | 1 | 13,0737 | 1 | 0,3772 |
| Тожикистон | 19.11.2008 | 1 | 3,4021 | 1 | 4,3193 | 10 | 1,2351 |
| Ўзбекистон | 18.11.2008 | 1 | 1361,12 | 1 | 1707,39 | 1 | 49,79 |
| Украина | 19.11.2008 | 100 | 588,54 | 100 | 744,6797 | 10 | 2,1456 |
| Эстония | 19.11.2008 | 1 | 12,4135 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,451646 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

● РЕКЛАМА

pr_67

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

30 дан зиёд офис ва 300 агент

– транспортнинг барча турларида юк ташиш
– юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш
– импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

УШБУ СОНДА:

● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси *1-2-бетлар*
● БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР
– Қонунга мувофиқ хўжалик юритамиз *3-бет*
● КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Икки лавозимни банд этма
– Штатлар билан боғлиқ вазият *4, 11-бетлар*
ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори
– «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида».
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори
– «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида».
Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:
– ЎзР ДБҚнинг «Йўқ қилиш божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР ДСҚнинг «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР ДБҚнинг «Давлат фойдасига воз кечиш божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР МАИМҚВ, МВнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. *5-10-бетлар*
● БИЗНЕС-ПАНОРАМА *12-16-бетлар*

# ҚОНУНГА МУВОФИҚ ХЎЖАЛИК ЮРИТАМИЗ

**?** *Ҳурматли таҳририят, аввало газетхонларга бераётган маслаҳатларингиз учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Шарҳларингиз муайян муаммоларни ҳал қилишда катта ёрдам беряпти. Мен тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ходимиман. Биз ҳам газетангизга обуна бўлганмиз ва барча материалларни ўқиб чиқишга ҳаракат қиламиз. «Иштирокчининг МЧЖдан чиқиши» (иштирокчининг МЧЖдан чиқиши ва чиқарилишида юзага келадиган мушкулотлар тўғрисида ҳамда уларни ҳал этиш бўйича баъзи тавсиялар) мақоласини* ўқиб, корхоналар ва хусусий тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатишда вужудга келадиган саволларимга жавоб топишда ёрдам берасиз деган умидда сизлар билан баҳам кўришга қарор қилдим.*

*1. Биринчи муаммо молиявий, ишлаб чиқариш муаммолари ва ҳоказолар муносабати билан муассиснинг хусусий корхона (хусусий фирма)дан чиқиши билан боғлиқ. Содда қилиб айтганда, муассис ишлашни хоҳламай, фирмани бошқа кишига топширади. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонунга кўра муассис хусусий корхонани мол-мулк сифатида сотиш, совға қилиш, васият қилиш ёки бошқа усул билан бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эгадир. Табиийки, совға қилиш ёки сотиш нотариал тасдиқланиши керак, бироқ охирги пайтда нотариал идоралар олди-сотди шартномаларини ҳам, аризаларни ҳам тасдиқламай, буни ҳокимлик қилиши керак деган важ кўрсатмоқдалар. Амалда ҳозир бирорта нотариус бундай битимларни тасдиқламайди. Эҳтимол, бирорта низом чиққандир, бироқ, афсуски, биз бундан хабардор қилинмаганмиз.*



*2. Солиқ кодексининг 373-моддасига кўра агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани топширади. Президентнинг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори билан Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди. Унда солиқ инспекциясининг қарз йўқлиги тўғрисида маълумотномасини ҳам талаб қилиш зарурлиги кўрсатилган. Ушбу тартиб фақат ХКни тугатишга тааллуқлими ёки унинг фаолиятини вақтинчалик тўхтатишга ҳам татбиқ этиладими – тушунарсиз. Масалан, фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тартибидан хабарсиз хусусий тадбиркор касал бўлиб қолди ёки унинг фаолияти мавсумий тусда. Уни солиқ инспекциясига чақириб, бюджет олдидаги каттагина қарзи суммасига тўловнома (счёт) тақдим этмагунларигача (зеро қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди) ялло қилиб юраверади. Тадбиркор ҳам иложини топиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади, бироқ у ерда солиқ инспекциясидан бюджет олдида қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома олиб келишни талаб қилишади.*



*Тадбиркор маълумотнома сўраб ДСИга мурожаат қилади, бироқ у ерда бюджет билан тўлиқ ҳисоб-китобдан сўнггина уни беришларини тушунтиришади. Боши берк кўчага кириб қолган тадбиркор вазиятни аниқлаб, аҳволни тузатишни хоҳлайди, бироқ унда бюджет олдидаги қарзни узиш учун етарли пул мавжуд эмас. Шу сабабли у «ҳисоблагич»ни расман тўхтатишни сўрайди, бироқ на рўйхатдан ўтказувчи орган, на ДСИ бундай қилмайди, чунки ҳеч ким ушбу тадбиркор учун масъул бўлишни хоҳламайди. Шу муносабат билан қуйидаги саволни бермоқчиман: 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарорда баён этилган тартиб ўз фаолиятини муайян даврга вақтинчалик тўхтатмоқчи бўлган хусусий тадбиркорларга дахлдорми ёки СКнинг 373-моддасига асосланиш керакми?*

## АРИЗА БЕРМАЙ ТАЪТИЛГА ЧИҚСАНГИЗ ҲАМ УЗРСИЗ ИШГА ЧИҚМАГАН ДЕБ ҲИСОБЛАНАСИЗ

Аввало шуни таъкидлашни хоҳлардимки, «хусусий корхона мулкдори», «хусусий корхона» ва «якка тартибдаги тадбиркор» – турли тушунчалар, «хусусий тадбиркор» атамаси эса қонун ҳужжатларида умуман мавжуд эмас. Хатингизнинг мазмунига қараганда, сўз якка тартибдаги тадбиркор хусусида бормоқда, Солиқ кодексининг 18-моддасига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик фаолиятини **юридик шахс ташкил этмаган ҳолда,** мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахсдир. **Мулкдор ягона жисмоний шахс** томонидан тузилган ва бошқариладиган **тижоратчи ташкилот хусусий корхона** деб эътироф этилади *(2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун учинчи моддасининг биринчи қисми).*

Солиқ кодексининг 373-моддаси хусусий корхоналарга дахлдор эмас, чунки унда фақат якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятини вақтинчалик тўхтатиш тўғрисидагина сўз боради. Улардан фарқли равишда хусусий корхонага фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш ҳуқуқи берилмаган. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси вақтинчалик «ҳаракатсизлик» ҳуқуқини фақат хусусий корхона мулкдорига ва у вақтинча бўлмаганда мулкдор раҳбарлик мажбуриятларини ана шу муддатга бошқа жисмоний шахсга юклаши шарти билан беради. Олти ой мобайнида (банк ҳисобварақлари бўйича операциялар ўтказиш билан савдо, савдо-воситачи корхоналар учун – уч ой мобайнида) молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган тақдирда ва махсус комиссиянинг корхона фаолиятининг бундан кейин давом этиши мақсадга номувофиқлиги тўғрисида хулосаси бўлганда корхона қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида низомга *(Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарорига илова)* мувофиқ тугатилиши керак.

**Якка тартибдаги тадбиркорлар** фаолиятни вақтинча тугатиш хоҳиши бўлганда Солиқ кодексининг 373-моддасига амал қилишлари керак. Биринчидан, Солиқ кодекси Президент қарорига қараганда юқорироқ юридик кучга эга[1]. Иккинчидан эса, Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида низом *(Президентнинг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарорига илова)* фақат тадбиркорлик субъекти – жисмоний шахс **фаолиятини ихтиёрий тугатишга** тааллуқлидир. Ихтиёрий тугатиш рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидагилар илова қилинган аризаси асосида амалга оширилади: давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномаси; агар мавжуд бўлса, муҳр ва штамплар; агар мавжуд бўлса, барча лицензиялар (рухсатномалар) асл нусхалари; давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси; банкларда ҳисобрақамлар очилмаганлиги тўғрисида хат ёки, агар мавжуд бўлса, асосий ҳисобрақами ёпилганлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси.

Фаолиятни муайян муддатга тўхтатиш учун якка тартибдаги тадбиркор тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ўз фаолиятини вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериши, айни вақтда давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномасини топшириши керак. Ушбу орган, ўз навбатида, солиқ ҳисобига олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ахборот тақдим этади. Фақат шу ҳолдагина якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширмайдиган даврга қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш тўхтатилади.

Агар якка тартибдаги тадбиркор фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш ҳуқуқидан фойдаланмаса, солиқ тўлашдан ҳам озод этилмайди. Фаолият юритмасликнинг бутун вақти ичида у барча мажбурий тўловларни тўлаши керак ва ихтиёрий тугатилган тақдирда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этиши, аввалдан қарзни узиши лозим. Ўзингиз ҳам таъкидлаганингиздек, қонунларни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

[1] *2000 йил 14 декабрдаги 160-II-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг II бўлими.*

## УСТАВ ВА МУҲРНИ ИСТАЛГАН ШАХСГА СОТАМАН

«Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг *(2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон)* 27-моддаси хусусий корхона мулкдорига **хусусий корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида** сотиш, ҳадя қилиш, васият қилиб қолдириш ёки уни ўзгача усулда бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқини беради. Бунда фирма номидан, товар белгиларидан ҳамда мазкур хусусий корхона ва унинг маҳсулотини, у бажараётган ишларни ёки кўрсатаётган хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, янги мулкдорга ўтади. Бундай битим корхонанинг олди-сотди шартномаси билан расмийлаштирилади, уни тузиш тартибини Фуқаролик кодекси *(бундан кейин – ФК)* 29-бобининг саккизинчи параграфи белгилайди.

Хусусий корхонани, ФК 489-моддасининг биринчи қисмига кўра, фақат **бутун мулкий мажмуа сифатида** сотиш мумкин, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно. Мулкий мажмуа сифатида корхона таркибига **унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари,** шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, киради. Бутун корхона мулкий мажмуа сифатида **кўчмас мулк** ҳисобланади *(ФК 85-моддасининг биринчи қисми).*

Уни сотиш шартномаси ёзма шаклда, тарафлар имзолаган бир ҳужжат кўринишида тузилиб, унга барча зарур ҳужжатлар мажбурий равишда илова қилинади ҳамда нотариал тасдиқланиши ва давлат томонидан рўйхатдан ўтказилиши керак. Фуқаролик қонунчилигига мувофиқ юқорида кўрсатилган битимни расмийлаштириш учун нотариусга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

1) сотилаётган корхонанинг сотувчига тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжат;

2) инвентаризациялаш далолатномаси;

3) бухгалтерия баланси (йиллик ёки оралиқ);

4) мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва қиймати тўғрисида хулосаси, шунингдек барча қарзлар (мажбуриятлар) рўйхати;

5) вакилларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат, ваколатли орган фармойиши;

6) агар корхона балансида кўчмас мулк мавжуд бўлса, Турар жойлар, бинолар ва кадастр хизматининг маълумотномаси зарур.

Ушбу талабларга риоя қилинган тақдирда нотариус корхона сотилганлигини тасдиқлашдан бош тортишга ҳақли бўлмайди. Агар банк маълумотномаси ва баланс ҳужжатларини ўрганиш жараёнида корхонанинг устав фонди шакллантирилмаганлиги аниқланса (бу ҳолат амалиётда тез-тез учрайди), чунки мазкур ҳолда корхона қонун билан белгиланган тартибда тугатилиши керак, нотариуслар уларни тасдиқлашни рад этадилар. Жуда кўп ҳолларда амалда фақат корхонанинг таъсис ҳужжати – устави ва муҳрига эга бўлган мулкдорлар нотариусга хусусий корхонанинг сотилишини тасдиқлаш талаби билан мурожаат қиладилар. Нотариус бундай битимни тасдиқлашни рад қилади, чунки устав ва муҳр мулкий мажмуа сифатида чиқа олмайди. Мазкур вазиятда кўчмас мулкнинг ўтиши далили мавжуд эмас, бунда битим моҳияти қонунчилик талабларига мувофиқ келмайди. Бу ҳолда нотариуслар уставга ўзгартишлар киритиш учун ҳокимликка мурожаат қилишни таклиф этадилар.

«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг *(1996 йил 26 декабрдаги 343-I-сон)* 38-моддасига мувофиқ нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Рад этилган шахснинг илтимосига биноан у рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиши ва рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб бериши лозим.

***Гулчеҳра ҲАЗРАТҚУЛОВА,***
***Тошкент шаҳар 2-сон***
***Мирзо Улуғбек***
***давлат нотариал***
***идорасининг давлат***
***нотариуси.***

**P.S.** ***Таҳририятдан.*** *Қонунни билиш эса ҳеч бўлмаганда беихтиёр қилинадиган ҳуқуқбузарликлар сонини анчагина камайтиради. Шу сабабли якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш чоғида уларни тадбиркорларга қонун билан берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни таништириш мақсадга мувофиқ бўларди. Бунда тилхат олиш мақбул, эсдалик сифатида чоп этилган китобчани топширган янада яхшироқ. Ўшанда, фикримизча, «билмаганлик»ни важ қилиш, тегишли тарзда расмийлаштирилмаган «фаолиятсизлик» ҳам кам бўлади.*

* *«Норма маслаҳатчи», 2008 йил 3 октябрь, 40 (169)-сон.*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ**

– «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР ДБҚнинг «Йўқ қилиш божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДСҚнинг «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДБҚнинг «Давлат фойдасига воз кечиш божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МАИМҚВ, МВнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ ВА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 42-сон, 422-модда)*

Қобилиятли ёшларни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, уларни фаол яратувчилик фаолиятига кенг жалб этиш, иқтидорли ўқувчиларни, талабалар ва аспирантларни қўллаб-қувватлаш ҳамда муносиб тақдирлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар йили» давлат дастури тўғрисида» 2008 йил 29 февралдаги ПҚ–805-сон қарорида қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 5 февралдаги ПФ–555-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Аспирантлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Номли давлат стипендиялари ва уларни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Республика олимпиадалари, танловлари ва спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджети параметрларида тасдиқланган низомларга мувофиқ иқтидорли ёшларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

3. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида иқтидорли ёшларнинг ўз маънавий, касбий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришдаги ютуқлари кенг ёритилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 13 октябрь*
*226-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

## АСПИРАНТЛАР УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари давлат олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларининг сўнгги ўқув йили аспирантларига Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов асосида танлаб олиш натижаларига кўра тайинланади.

2. Аспирантларга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси

Президентининг давлат стипендиялари квотаси (бешта) давлат илмий-техника сиёсатининг энг муҳим йўналишларига мувофиқ, қуйидаги йўналишлар бўйича, ҳар бир йўналишга битта стипендия ҳисобидан тақсимланади:

ижтимоий-гуманитар фанлар, иқтисодиёт ва ҳуқуқ;

қишлоқ ва сув хўжалиги;

энергетика, ресурслар, саноат;

соғлиқни сақлаш, спорт ва экология;

табиий фанлар, ахборот технологиялари ва бошқарув.

Ҳар йилнинг бошида Вазирлар Маҳкамаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тақдимномасига биноан, йўналишлар бўйича стипендиялар тақсимотига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

3. Аспирантларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун қуйидаги мезонлар белгиланади:

етакчи илмий нашрларда (камида иккита) илмий мақолалар эълон қилинган бўлиши;

Ўзбекистон тарихини билиш;

халқаро конференциялар босма нашрларида мақолалар эълон қилинган бўлиши;

барча номзодлик минимумларини «аъло» баҳога топшириш;

диссертациянинг тайёрлик даражаси (диссертациянинг тайёрлик даражаси камида 70 фоиз бўлиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун номзод кўрсатган муассисларнинг тегишли хулосаси билан тасдиқланиши керак);

тилларни — давлат тилини ва битта хорижий (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари) тилни билиш, бакалавриатдаги таълим йўналиши ёки магистратурадаги ихтисослик (аспирантурадаги тадқиқот объекти) хорижий тил ҳисобланган алоҳида ҳолларда эса қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш талаб қилинади.

Тилларни, ахборот технологияларини, Ўзбекистон тарихини билишга талаблар даражасини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига талабгорлар ушбу фанлар бўйича билим даражасини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида махсус тест синовидан ўтадилар. Марказ якуний ведомостларни тест синовлари натижалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига топширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун аспирантлар номзодларини кўрсатадиган давлат олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, етакчи мутахассисларни жалб этган ҳолда, талабгорлар ишларининг долзарблигини, уларнинг шахсий ҳиссасини, ўтказилган тадқиқотларнинг муҳимлигини олдиндан экспертизадан ўтказадилар, диссертация тадқиқотлари мавзуси бўйича аспирантлар илмий ахборотларининг оммавий муҳокамасини ташкил қиладилар, уларнинг умумий илмий тайёргарлигини, диссертациянинг тайёрлик даражасини, талабгорларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини баҳолайдилар ва ҳар бир номзод бўйича асосланган хулоса қабул қиладилар.

5. Илмий-тадқиқот ишларининг муфассал аннотациялари икки нусхада, матнга тегишли кўргазмалар билан бирга дастлабки кўриб чиқиш учун давлат олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси илмий кенгашига тақдим этилади.

Ишга қуйидагилар илова қилинади:

мазкур соҳа етакчи мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари;

илмий ишлар рўйхати;

илмий мақолаларнинг босма нусхаси, муаллифлик гувоҳномаларининг нусхалари, илмий иш натижаларидан фойдаланиш ҳақидаги далолатномалар.

Ишнинг (аннотациянинг) ҳар бир нусхаси юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар билан бирга муқоваланган ёки жилдга жойланган бўлиши керак. Муқовада ёки жилдда ишни тақдим қилган муассасанинг номи, талабгорнинг исми, фамилияси ва отасининг исми, ишнинг номи кўрсатилади.

Бошқа ҳужжатлар, қўшимча чизмалар, схемалар, хариталар, альбомлар, суратлар ва шу кабилар бир нусхада тақдим этилади.

6. Илмий кенгашлар яширин овоз бериш орқали, оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қиладилар.

Илмий кенгашларнинг қарорлари вазирликлар ва идоралар учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ҳақида тавсияномалар жўнатиш учун асос ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вазирликлар ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш тўғрисидаги тавсияларини ҳар йили бир марта — декабрь ойида кўриб чиқади ва улар бўйича қарор қабул қилади. Ҳужжатлар 1 — 31 октябрда қабул қилинади, ахборот технологиялари, хорижий тиллар, Ўзбекистон тарихи бўйича махсус тест синовлари 1 — 30 ноябрда ўтказилади.

8. Аспирантларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати қарори асосида амалга оширилади.

Стипендияларни тайинлашдан аввал талабгорларнинг махсус ва умумилмий тайёргарлик даражаси ҳамда маълумотларининг белгиланган мезонларга мувофиқлиги пухта экспертизадан ўтказилади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги етакчи олимлар ва мутахассислардан иборат таркибда махсус танлов комиссияси тузади, унинг зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларига талабгорлар ўртасида саралаш танлови ўтказиш юкланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг танлов комиссияси талабгорларнинг якуний танловини яширин овоз бериш йўли билан ўтказади ва агар ҳар бир ишга овоз беришда қатнашган комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми маъқуллаб овоз берса номзод аспирантларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун тавсия қилади.

Овоз беришдан сўнг талабгорлар сони белгиланган ўринлар квотасидан кўп бўлган тақдирда устунлик энг кўп овоз олган талабгорларга берилади.

Танлов комиссиясининг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори давлат олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари учун аспирантларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги буйруқларни расмийлаштиришда асос бўлади.

Стипендиялар ҳар йили аспирантнинг аспирантуранинг охирги курсидаги ўқиш даври учун, белгиланган миқдорга қатъий мувофиқ ҳолда тайинланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиби бўлган аспирантларга «Президент стипендиясининг соҳиби» гувоҳномалари берилади. Гувоҳномалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати мажлисида тантанали вазиятда топширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиби бўлган аспирантлар аспирантурани тамомлаганларидан сўнг уч йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Истеъдод» жамғармаси орқали тажриба орттириш учун хорижга жўнатилиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.



НОРМА МАСЛАҲАТЧИ N 47 (176) • 2008 йил 21 ноябрь 6

13. Шахсий режаларни бажармаган ва илмий одоб-ахлоққа риоя қилмаган аспирантлар тасарруфида аспирант ўқиётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларидан маҳрум қилиниши мумкин.

14. Баҳсли масалалар, ариза ва шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига*
*2-ИЛОВА*

## ТАЛАБАЛАР УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган давлат олий таълим муассасалари (бакалавриат ва магистратура бўйича алоҳида) талабаларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижаларига биноан тайинланади.

2. Талабаларга тайинлаш учун белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси квотаси (ўн битта) қуйидаги таълим йўналишларидан ҳар бири бўйича биттадан стипендия ҳисобидан бакалавриат ва магистратура учун алоҳида-алоҳида тақсимланади:

қишлоқ ва сув хўжалиги;
техника ва информатика;
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот;
ижтимоий-гуманитар ва ижтимоий фанлар;
табиий фанлар;
бизнес ва бошқарув;
педагогика;
маданият, санъат ва спорт;
хорижий тиллар;
ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар;
журналистика.

Ушбу рўйхатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар ўқув йили бошида, таълим йўналишларидаги устуворликларни ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсиясига биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

3. Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун қуйидаги мезонларни бажариш белгиланади:

умумтаълим тайёргарлигини илмий-тадқиқот (ижодий ишлар) ишлари билан уйғунлаштириш;

йўналишлар бўйича конференция (танлов)ларда қатнашиш;

камида иккита эълон қилинган ишлар (асарлар)нинг мавжудлиги;

тилларни — давлат тилини ва битта хорижий чет тилни билиш (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари), бакалавриатдаги таълим йўналиши ёки магистратурадаги мутахассислик хорижий тил бўлган тақдирда эса қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш талаб қилинади;

Ўзбекистон тарихини билиш.

Тилларни, ахборот технологияларини, Ўзбекистон тарихини билиш бўйича талаб даражаларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига талабгорлар ушбу фанлар бўйича ўз билим даражасини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказида (минтақалар бўйича) махсус тест синовлари топширадилар. Марказ якуний ведомостларни тест синовлари натижалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига номзодлар кўрсатиш, талабгорлар номзодларининг ўқишдаги ва илмий (ижодий) фаолиятдаги муваффақиятлари оммавий равишда муҳокама қилингандан сўнг, давлат олий таълим муассасаларининг илмий кенгашлари томонидан амалга оширилади.

Талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун илмий кенгашга қуйидагиларни топширадилар:

синов дафтарчасидан кўчирма;
деканат, кафедра тавсияномаси;
илмий (ижодий) иш аннотацияси;
раҳбарнинг фикр-мулоҳазалари;
илмий (ижодий) ишга тақриз;
илмий ишлар рўйхати ва уларнинг босма нусхалари.

Барча ҳужжатлар икки нусхада тақдим қилинади. Ҳужжатларнинг ҳар бир тўплами жилдга жойланади, ҳар бир жилд муқовасида ишни тақдим қилган муассасанинг номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, ишнинг номи кўрсатилади.

5. Илмий кенгашлар яширин овоз бериш орқали, оддий кўпчилик овоз билан Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларини тайинлаш учун стипендиатлар номзодларини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Илмий кенгашлар қарорлари вазирликлар ва муассасаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тавсиянома юбориши учун асос ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни йилига бир марта кўриб чиқади. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 1 — 15 август, кўриб чиқиш муддати — 10 — 25 сентябрь.

7. Давлат олий таълим муассасалари талабаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати қарори билан амалга оширилади.

Стипендиялар тайинланишидан аввал талабгорларнинг белгиланган мезонларга мувофиқ билим ва илмий (ижодий) тайёргарлик даражаси пухта экспертизадан ўтказилади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

зиммасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига талабгорлар орасидан танлаб олиш юкланадиган махсус танлов комиссияси тузади;

талабгорларнинг таълим ва илмий (ижодий) тайёргарлиги даражасини баҳолаш мақсадида ишларни кўриб чиқиш учун йўналишлар бўйича экспертлар гуруҳлари тузади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда ахборот технологиялари, Ўзбекистон тарихи, хорижий тиллар бўйича имтиҳон комиссияларини ташкил этади, тест топшириқларини ишлаб чиқади;

танлов комиссияси ва эксперт гуруҳларининг иш тартибини белгилайди;

танлов комиссияси мажлисларини ўтказиш муддатларини белгилайди.

8. Танлов комиссияси талабгорларнинг якуний танловини яширин овоз бериш йўли билан ўтказади ҳамда талабгор ва унинг иши учун овоз беришда иштирок этган комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми овоз берганда талабалар номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун тавсия қилади.

Агар овоз беришдан сўнг талабгорлар сони белгиланган квотадан кўп бўлса, устунлик энг кўп овоз олган талабгорларга берилади.

Танлов комиссиясининг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати тасдиқлагандан сўнг кучга киради.

Танлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиби бўлолмаган, лекин энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган танлов қатнашчиларини номли давлат стипендияларига тавсия қилиш ҳуқуқига эга.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг қарори давлат олий таълим муассасаларининг талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш ва тўлаш ҳақида буйруқ тайёрлаши учун асос бўлади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари талабаларга ҳар йили, бир ўқув йили учун, 1 сентябрдан бошлаб, белгиланган миқдорларга қатъий риоя қилинган ҳолда тайинланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига сазовор бўлган талабаларга «Президент стипендиясининг соҳиби» гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати мажлисида тантанали равишда топширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиблари бўлган талабалар давлат олий таълим муассасасини битиргач, икки йил давомида грант асосида магистратурага (бакалавр-стипендиатлар) ва аспирантурага (магистр-стипендиатлар) кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Агар аспирантура ва магистратура мутахассислиги тўғри келмаса, у ҳолда кириш имтиҳонлари фақат аспирантура мутахассислиги бўйича топширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиби бўлган талабалар ўқишни битиргандан сўнг, икки йил мобайнида магистратурада (бакалавр-стипендиатлар) ва аспирантурада (магистр-стипендиатлар) ўқишни давом эттириш мақсадида хорижга жўнатилиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

14. Кундалик дарсларни ўзлаштирмайдиган, ўқув интизомини ва илмий одоб-ахлоқни бузган талабаларни ўқув йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларидан маҳрум қилиш тасарруфида талаба ўқиётган олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати қарори билан амалга оширилиши мумкин.

15. Талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш бўйича ариза ва шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига*
*3-ИЛОВА*

## НОМЛИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва Имом ал-Бухорий номидаги давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат бўйича ўқиётган охирги икки курс талабаларига тайинланади.

2. Келгуси ўқув йили учун давлат стипендиялари сони жорий ўқув йили охирида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасалари бўйича номли стипендияларни тақсимлашни таълим ихтисосига ва талабалар сонига мувофиқ амалга оширади.

3. Стипендияларни тайинлаш учун қуйидаги мезонларни бажариш белгиланади:

аъло ўқиш ва илмий (ижодий) ишларда иштирок этиш;

тилларни — давлат тилини ва битта хорижий (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари) тилни билиш, бакалавриатдаги таълим йўналиши хорижий тил ҳисобланган алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш; Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар учун эса ўқиш олиб бориладиган тилни қўшимча равишда билиш талаб қилинади;

Тилларни билиш бўйича умумий талаблар даражаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан, олий таълим муассасаларининг тиллар бўйича ихтисослашмаган мутахассисликлар учун хорижий тилларга бўлган талаблари ҳажмида белгиланади.

Номли давлат стипендияларига талабгорлар ушбу тиллар бўйича ўз билимлари даражасини аниқлаш учун ўқиш жойидаги тил кафедраларида махсус суҳбатдан ўтадилар.

4. Номли давлат стипендияларини тайинлаш учун номзодлар кўрсатиш давлат олий таълим муассасалари илмий кенгашлари томонидан, талабгорларнинг ўқув ва илмий фаолиятларини оммавий муҳокама қилиш асосида амалга оширилади.

Номли давлат стипендиясига талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун илмий кенгашга қуйидагиларни тақдим қиладилар:

синов дафтарчасидан кўчирма;

деканат, кафедранинг тавсияномаси;

илмий (ижодий) иш раҳбарининг фикр-мулоҳазаси;

тиллар кафедрасининг суҳбат натижалари ҳақидаги маълумотномаси.

Барча ҳужжатлар жилдга тикилган ёки папкага жойланган ҳолда тақдим этилади. Муқовада номли давлат стипендиясининг номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, факультети, курси, гуруҳи кўрсатилади.

5. Илмий кенгашлар яширин овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қиладилар.

Илмий кенгашларнинг қарорлари олий таълим муассасалари қарашли бўлган вазирликлар ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига номли давлат стипендияларини тайинлаш тўғрисида тавсияномалар жўнатиши учун асос бўлади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни йилига бир марта кўриб чиқади. Кўриб чиқиш муддати — 10 — 25 сентябрь.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори давлат олий таълим муассасаларининг талабаларга номли давлат стипендияларини тайинлаш ва тўлаш ҳақидаги буйруқларни расмийлашти-

риши учун асос бўлади.

Стипендиялар 1 сентябрдан бошлаб, бир йил муддатга, белгиланган миқдорга қатъий мувофиқ ҳолда тайинланади. Стипендияларни янги муддатга қайтадан тайинлаш ҳам айнан шу тартибда амалга оширилади.

8. Номли давлат стипендияларига сазовор бўлган талабаларга қуйидаги гувоҳномалар берилади:

«Беруний давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Ибн Сино давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Навоий давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Улуғбек давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Имом ал-Бухорий давлат стипендиясининг соҳиби».

Гувоҳномалар талабаларнинг ўқиш жойида тантанали вазиятда топширилади.

9. Номли давлат стипендияларига сазовор бўлган талабалар бакалавриатни тугатганидан сўнг бир йил мобайнида, тегишли мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз, грант асосида қабул қилинадилар.

10. Номли давлат стипендияларига сазовор бўлган талабалар ўқишни тугатганларидан сўнг бир йил мобайнида магистратурада ўқишни давом эттириш учун хорижга юборилаётган ёшлар гуруҳлари таркибига киритилишда устунликка эга бўлиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

11. Талабаларни кундалик дарсларни ўзлаштирмаганлик, ўқув интизомини ва илмий одоб-ахлоқни бузганлик учун ўқув йили мобайнида номли давлат стипендияларидан маҳрум қилиш давлат олий таълим муассасалари тақдимномаларига биноан тегишли вазирликлар ва идоралар буйруқлари билан амалга оширилиши мумкин.

12. Талабаларнинг номли давлат стипендияларини тайинлаш бўйича ариза ва шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига*
*4-ИЛОВА*

## РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАЛАРИ, ТАНЛОВЛАРИ ВА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қарорларига кўра ўтказиладиган республика мусобақаларини: академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаларини, ўқувчиларнинг бадиий-ижодий ихтисосликлар бўйича танловларини, спортнинг шахсий ва команда турлари бўйича спорт мусобақаларини ташкил этишнинг умумий принципларини белгилайди.

2. Қуйидагилар ўқувчи ёшлар ўртасида олимпиадалар, танловлар, спорт мусобақалари ўтказишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

ўқувчи ёшларнинг истеъдоди ва ижодий қобилиятини намоён қилиш;

ўқувчиларда ўзлари танлаган фанлар ва ихтисосликларни чуқур ўрганишга қизиқишни ошириш;

ўқувчиларнинг келажакдаги касбларни тўғри танлашига кўмаклашиш;

ўқув-тарбия жараёнини, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини такомиллаштириш, улар томонидан қобилиятли ўқувчилар билан аниқ мақсадга йўналтирилган якка тартибдаги ишларни ўтказиш.

3. Республика олимпиадалари ҳар йили академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг IX, X, XI синфлари (мажбурий 12 йиллик таълимга тўлиқ ўтилгунгача) ҳамда IX синфлар ўқувчилари (мажбурий 12 йиллик таълимга тўлиқ ўтилгандан кейин) ўртасида ўтказилади. Олимпиадаларнинг умумтаълим фанлари рўйхати, уларни умумтаълим мактабларининг IX синф ўқувчилари ўртасида ўтказиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказиш бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан белгиланади.

Олимпиадалар тўрт босқичда ўтказилади:

1-босқич — ўқиш жойи бўйича;

2-босқич — туман, шунингдек ҳудуди туманларга бўлинмаган шаҳар бўйича;

3-босқич — вилоят бўйича, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида;

4-босқич — республика бўйича.

Олимпиаданинг биринчи босқичида умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларининг барча ўқувчилари иштирок этишлари мумкин, навбатдаги босқичларда эса фақат олдинги босқичларда I, II, III ўринни эгаллаб, ғолиб бўлганлар қатнашадилар. Академик лицейлар ва умумтаълим мактабларининг I босқичда чуқурлаштирилган фанлар бўйича 1-ўринни эгаллаган ўқувчилари олимпиаданинг II босқичида қатнашмасдан тўғридан-тўғри III босқичида қатнашадилар.

Олимпиадаларнинг барча босқичларида ғолиблар ҳам фанлар бўйича, ҳам курслар (синфлар) бўйича алоҳида-алоҳида аниқланади.

Олимпиадалар босқичларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъулият тегишли равишда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига, якунловчи — тўртинчи босқич бўйича эса — мажбурий 12 йиллик таълимга тўлиқ ўтилгунгача Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига ва Халқ таълими вазирлигига, мажбурий 12 йиллик таълимга ўтилгандан кейин эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига юкланади.

4. Ижодкор ёшларнинг республика танловлари:

болалар мусиқа мактаблари ва санъат мактаблари;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва ихтисослаштирилган мусиқа-бадиий мактаб-интернатлари ўқувчиларининг иккита гуруҳи ўртасида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази танлов ихтисосликлари ва шартлар рўйхатини ва танловлар шартларини тасдиқлайди.

Болалар мусиқа мактаблари ва санъат мактаблари ўқувчиларининг мусиқа фанлари бўйича танловлари ҳар уч йилда бир марта қуйидаги босқичлар бўйича ўтказилади:

1-босқич — туман, шунингдек ҳудуди туманларга бўлинмаган шаҳар бўйича;

2-босқич — вилоят бўйича, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрида;

3-босқич — республика бўйича.

Танловларнинг биринчи босқичида ўз таълим муассасаларидаги ҳисобот концертларида энг катта эътибор

қозонган ўқувчилар иштирок этадилар.

Иккинчи босқичда I, II, III ўринларни эгаллаган, учинчи — якунловчи босқичда эса танловга тавсия этилган ҳар қайси ихтисослик бўйича фақат I ўринни эгаллаган ўқувчилар иштирок этадилар.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва ихтисослаштирилган мусиқа-бадиий мактаб-интернатлари ўқувчиларининг ижодий танловлари мусиқа ижрочилари ўртасида ҳар икки йилда бир марта, уч турда ўтказилади.

Ушбу танловларга саралаб олиш ва юбориш ҳисобот концертлари якунлари бўйича амалга оширилади. Танлов турлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги белгилаган тартибда ўтказилади. I, II, III ўринларни эгаллаган ўқувчилар фақат сўнгги тур якунлари бўйича аниқланади.

Ўқувчиларнинг ижодий танловлари босқичлари ва турларини ташкил этиш учун масъулият тегишли равишда таълим муассасаларининг раҳбарлари зиммасига, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларига юкланади.

5. Республика спорт мусобақалари ҳар йили спортнинг ҳар хил турлари бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва умумтаълим мактаблари командалари ўртасида, ўқув йили давомида, қуйидаги босқичлар бўйича ўтказилади:

1-босқич — минтақалар бўйича, болалар спорт мактаблари, спорт клуби ёки жамиятлари таркибида;

2-босқич — республика бўйича, ўша командаларда ёки минтақа терма жамоаси таркибида.

Спорт мусобақаларининг ҳар бир босқичи энг кучли спортчиларни саралаш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Халқаро мусобақаларнинг спорт турлари, ўтказиш календари ва мусобақа дастури Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг қарори билан белгиланади.

Республика мусобақаларининг спорт турлари, ўтказиш календари ва ўтказиш дастури Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг биргаликдаги қарори билан белгиланади.

I, II, III ўринларни эгаллаган ўқувчилар спортнинг ҳар бир тури бўйича аниқланади.

Спорт мусобақалари босқичларини ташкил этиш учун масъулият тегишли равишда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига тўртинчи — финал босқичи бўйича эса — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига, Халқ таълими вазирлигига, Маданият ва спорт ишлари вазирлигига юкланади.

6. Ғолибларни тақдирлаш Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари бўлган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларини тақдирлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

7. Республика мусобақаларини ўтказиш бўйича бутун тадбирлар комплексини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари ўз буйруқлари билан ташкилий қўмиталар, жюрилар, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари ва бошқа тузилмаларни ташкил этадилар.

Ташкилий қўмиталар олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда ягона илмий-услубий ёндашувни таъминлайдилар, жюрилар, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари ва бошқа тузилмалар таркибини шакллантирадилар ва тасдиқлайдилар, тестлар ва синов топшириқларини тайёрлашни ташкил этадилар, баҳолаш мезонларини ва якунлар чиқариш тартибини тасдиқлайдилар, қатнашчиларнинг мусобақага келиши билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қиладилар.

Жюрилар, ҳакамлар ҳайъатлари ғолибларни аниқлайдилар ва олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар якунларини протокол қарор билан расмийлаштирадилар.

Апелляция комиссиялари олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар қатнашчиларининг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқадилар. Комиссияларга, зарурат бўлганда, жюрилар, ҳакамлар ҳайъатлари қарорларини бекор қилиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

8. Олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларнинг ўтказиш муддатлари ва жойлари тегишли ҳокимликлар билан келишилади, улар қатнашчиларни турар жой, озиқ-овқат билан таъминлашда ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал этишда ёрдам кўрсатадилар.

9. Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари мусобақаларини маблағ билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида тузилган сметалар бўйича амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар топшириқларининг мураккаблигига қўйиладиган талабларнинг олий таълим муассасаларига қабул қилинадиган абитуриентлар билимлари даражасига мувофиқ бўлишини таъминлайди.

11. Олимпиада, танлов ва мусобақанинг ҳар бир фани учун халқаро ва республика мусобақалари ғолиблари тест синовисиз ҳамда қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадиган соҳа ихтисосликлари рўйхати ҳар йили Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш вақтида Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланади.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига*
*5-ИЛОВА*

## ХАЛҚАРО ВА РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИАДАЛАРИ, ТАНЛОВЛАРИ, МУСОБАҚАЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ БЎЛГАН АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Ушбу Низом умумтаълим фанлари бўйича академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг расмий халқаро ва республика олимпиадалари, бадиий-ижодий ихтисосликлар бўйича мактаблар, санъат ва маданият касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг танловлари, спорт мусобақалари ғолибларига татбиқ этилади ҳамда таълим муассасаларига имтиёзли кириш ва пул мукофотлари олиш тартибини белгилайди.

2. Республика (1-ўрин) ва халқаро (1 — 5-ўринлар) танловлар ва мусобақаларнинг индивидуал турларида ғолиб чиққан академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари

ва умумтаълим мактабларининг битирувчилари олий таълим муассасасига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

3. Республика (1-ўрин) ва халқаро (1 — 5-ўринлар) танловлар ва мусобақаларнинг жамоа турлари ғолиблари ўз командалари таркибидан — академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари битирувчиларидан олий таълим муассасасига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилиш учун уч номзодни белгилайдилар.

4. Республика (1-ўрин) ва халқаро (1 — 5-ўринлар) шахмат ва шашка турнирларида ғолиб чиққан академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари битирувчилари педагогик кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасасига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

5. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиладиган «Келажак овози» Республика танловида 1 — 3-ўринларни эгаллаган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари битирувчилари олий таълим муассасаларига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

6. Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларида 1 — 3-ўринларни ва халқаро олимпиадаларда 1 — 5-ўринларни эгаллаган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг XI синфлари битирувчилари олий таълим муассасасига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаларида 1 — 5-ўринларни эгаллаган умумтаълим мактабларининг XI синфлари битирувчилари академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига республика ташкилий қўмитасининг йўлланмаси бўйича қабул қилинадилар.

Олимпиадалар ғолибларига: халқаро олимпиадаларда 1, 2, 3, 4, 5-ўринларни эгаллаганларга — талаба стипендиясининг тегишли равишда 10, 9, 8, 7, 6 баравари миқдорида; республика олимпиадаларида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаганларга — талаба стипендиясининг тегишли равишда 3, 2, 1 баравари миқдорида пул мукофотлари белгиланади.

7. Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолибларини олий таълим муассасасига имтиёзли қабул қилиш таълим муассасаси ихтисосликлари билан олимпиада фанлари, танловлар ихтисосликлари, спорт турларининг соҳа бўйича мос келишига қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

8. Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолибларини тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз олий таълим муассасасига қабул қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази таъсис этадиган махсус гувоҳнома асосида амалга оширилади.

Махсус гувоҳномалар ана шундай имтиёзларга эга бўлган ғолибларга берилади ва бу гувоҳномалар олий таълим муассасасига кириш учун зарур ҳужжатлар билан бирга қабул комиссиясига топширилади.

9. Халқаро олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларнинг ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига, Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ўзлари эришган натижаларни тасдиқловчи дипломларни (1 — 3-ўринлар) ёки жюри қарорини, сертификатларни (4-5-ўринлар) махсус гувоҳномалар берилиши учун асос сифатида тақдим этадилар.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, назорат тартибида, ғолибларга берилган махсус гувоҳномаларнинг реестри билан битирувчилар рўйхатини тест синовлари ўтказиладиган кундан олдин Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига тақдим этадилар.

11. Халқаро бадиий-ижодий танловлар, Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларининг ғолиблари ўзларининг таълим муассасасига кириш бўйича имтиёзли ҳуқуқларидан уч йил мобайнида, республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари эса — улар ўтказилган кундан бошлаб бир йил мобайнида фойдаланишлари мумкин.

12. Халқаро (1 — 5-ўринлар) ва республика (1 — 3-ўринлар) олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолибларига спортнинг ҳам индивидуал, ҳам жамоа турлари бўйича дипломлар билан бирга ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ белгиланган миқдорда пул мукофотлари топширилади.

Ғолибларга пул мукофотлари, ташкилотчилар таъсис этган совринлардан қатъи назар, топширилади.

13. Олимпиадалар, танловлар ва мусобақалар ғолибларини моддий рағбатлантириш учун маблағлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги сметаларида назарда тутилади.

14. Ғолибларга дипломлар, махсус гувоҳномалар ва пул мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тантанали вазиятда топширилади.

15. Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари олий таълим муассасасига қабул қилингандан кейин тузиладиган гуруҳлар таркибида хорижий мамлакатлар таълим муассасаларига юбориш учун устунликка эга бўлиш ҳуқуқини оладилар.

16. Махсус гувоҳномалар рўйхатдан ўтказилган тартиб рақамига эга бўлиб, қатъий ҳисобот ҳужжатлари тоифасига киради, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида сақланади ҳамда зарур бўлганда Маданият ва спорт ишлари вазирлигига берилади.

Ғолибнинг сурати бўлмаган гувоҳнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Махсус гувоҳнома йўқолганда ёки яроқсизланиб қолганда дубликат берилмайди.

17. Ғолибларнинг олий таълим муассасасига ўқишга имтиёзли кириш масалалари бўйича ариза ва шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарорига*
*6-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ҚАРОРЛАРИ РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 1993 йил 25 мартдаги 157-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2005 йил 6 июлдаги 156-сон қарорига илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 6-7-сон, 35-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар кири-

тиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сон қарори) 2006 йил 2 октябрдаги 207-сон қарорига 1-иловaнинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 73-модда).

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ*

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ КОДЕКСИНИНГ 192-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 44-45-сон, 446-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринбосари Б.Мирбобоев, судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига ва «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига амал қилган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақидаги ишни очиқ мажлисда кўриб чиқди.

Масала «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Бош директори В.Тяннинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан судьялар У.Бозоров, Г.Пиржанов ва С.Ҳакимованинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд мазкур масала юзасидан маърузачи судья С.Ҳакимованинг ахборотини, Тошкент давлат юридик институти кафедрасининг мудири, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгаши раисининг ўринбосари, академик Х.Раҳмонқулов, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази директорининг ўринбосари, Тошкент давлат юридик институтининг доценти, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг аъзоси М.Гасанов, Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати раёсатининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг аъзоси С.Ёқубов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг аъзоси А.Шарафутдинов, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси кафедрасининг бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг аъзоси Ҳ.Одилқориев, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг аъзоси Х.Азизов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони юридик бўлимининг бошлиғи А.Юлдашевнинг фикрларини тинглаб, иш бўйича мавжуд ҳужжатларни ўрганиб **аниқлади:**

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Бош директори В.Тян Конституциявий судга йўллаган мурожаатида боқувчининг вафот этганлиги муносабати билан зарарни тўлаш тартибини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1009-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддаси нормаларининг бир хилда эмаслигини таъкидлаб ушбу нормаларнинг қайси бири амалиётда қўлланилиши лозимлиги юзасидан тушунтириш беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ боқувчининг ўлими муносабати билан зарар: вояга етмаганларга — ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар; ўн саккиз ёшдан ошган ўқувчиларга — ўқувнинг кундузги шаклида ўқишни тугатгунга қадар, бироқ йигирма уч ёшдан ошмагунча тўланади.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасининг бешинчи қисмида ўн олти ёшдаги ва ундан катта ўқувчилар, ўқув юртларининг кундузги бўлимларида ўқишни тугатгунларигача, лекин ўн саккиз ёшга қадар бўлган даврда, зарарни ундириш ҳуқуқига эгадирлар, деб белгиланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига мувофиқ ўн саккиз ёшдан катта ва йигирма уч ёшга тўлмаган, ўқув юртининг кундузги бўлимида таҳсил олаётган шахслар зарарни ундириш ҳуқуқига эга бўлмайдилар, ваҳоланки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг нормаларига асосан эса улар бундай ҳуқуққа эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни тўлаш тартибини белгиловчи нормаларидаги мазкур фарқ ушбу нормаларнинг амалиётда қўлланилишида жиддий қийинчиликларга олиб келмоқда.

Мазкур қарорни қабул қилишда Конституциявий суд қуйидагиларга асосланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига асосан ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига асосан ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасига мувофиқ давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 3-моддасининг иккинчи қисмига асосан бошқа қонунлар ва қонун ҳужжатларидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормалари ушбу Кодексга мос бўлиши шарт.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг юқорида кўрсатилган нормаларига риоя этилиши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 192-моддасининг нормаларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг нормаларига мувофиқлаштириш зарурати келтириб чиқаради, деб ҳисоблайди.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўқувнинг кундузги шаклида таълим олаётган шахсларнинг улар йигирма уч ёшга етгунга қадар боқувчининг ўлими муносабати билан зарарни тўлаш ҳуқуқини назарда тутувчи ўзгартиш киритиш лозим.

Баён қилинганларга асосланиб ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10, 25, 26, 27-моддаларига, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 26-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 192-моддасининг бешинчи қисмини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1009-моддасининг учинчи қисмига мувофиқлаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 192-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилсин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси С.Ҳакимова ушбу Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётганда иштирок этиш учун вакил этиб тайинлансин.

3. Ушбу қарор «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномаси» журналида чоп этилсин.

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 15 октябрь.*

*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг*
*2008 йил 15 октябрдаги қарорига*
*ИЛОВА*

*Лойиҳа*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ*
*ҚОНУНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕҲНАТ КОДЕКСИНИНГ 192-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

***Қонунчилик палатаси томонидан ________да қабул қилинган***

***Сенат томонидан ______________да маъқулланган***

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган №161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси 2005 йил, № 9, 312-модда) **192-моддасининг бешинчи қисмидаги** «ўн саккиз» деган сўзлар «йигирма уч» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

***Ўзбекистон Республикасининг Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ЙЎҚ ҚИЛИШ БОЖХОНА РЕЖИМИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 27 октябрда 584-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 44-45-сон, 447-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 2-сон, 36-модда) 37-моддаси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 230-модда) 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Йўқ қилиш божхона режими тўғрисидаги низом»га (1998 йил 14 декабрь, рўйхат рақами 584) иловага** мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Давлат божхона***
***қўмитаси раиси***
***С.НОСИРОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 17 октябрь*
*01-02/12-55-сон.*

****2008 йил 6 ноябрдан кучга киради.***
*****Илова рус тилида берилади.***

*ПРИЛОЖЕНИЕ*
*к постановлению Государственного*
*таможенного комитета*
*от 17 октября 2008 года № 01-02/12-55*

## ИЗМЕНЕНИЯ, ВНОСИМЫЕ В ПОЛОЖЕНИЕ О ТАМОЖЕННОМ РЕЖИМЕ УНИЧТОЖЕНИЯ

1. Пункт 2.7 изложить в следующей редакции:

«2.7. Отходы и остатки, образовавшиеся в результате проведения операций по уничтожению товаров и транспортных средств, должны быть помещены лицом, перемещающим товары и транспортные средства, под соответствующий таможенный режим, за исключением таможенных режимов реимпорта, временного хранения, магазина беспошлинной торговли, временного ввоза (выво-

за), переработки вне таможенной территории. Выбранный таможенный режим применяется к отходам и остаткам, как к иностранным товарам, ввезенным на таможенную территорию Республики Узбекистан».

2. Пункт 4.8 изложить в следующей редакции:

«4.8. Таможенному оформлению не подлежат отходы и остатки уничтожения, дальнейшее использование которых невозможно в силу того, что такие отходы и остатки захоронены (затоплены) либо подлежат захоронению».

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ, СОЛИҚЛАР, МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ВА ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР, ЁЗМА АРИЗАЛАР ВА БИЛДИРИШНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ ҲАМДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 ноябрда 1500-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 44-45-сон, 448-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон қарори билан тасдиқланган Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг (2005 йил 29 июль, рўйхат рақами 1500 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 238-модда) **14-банди биринчи хатбошисидаги** «икки кундан ошмаган муддатда» сўзлари «уч кундан ошмаган муддатда» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.ПАРПИЕВ.***

*Тошкент ш.,
2008 йил 19 октябрь
2008-42-сон.*

***2008 йил 14 ноябрдан кучга киради.***

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ДАВЛАТ ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ БОЖХОНА РЕЖИМИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 4 ноябрда 695-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 44-45-сон, 449-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 38-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 17 мартдаги 02/12-48-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат фойдасига воз кечиш божхона режими тўғрисидаги низомга (1999 йил 8 апрель, рўйхат рақами 695 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 4-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***Давлат божхона қўмитаси раиси С.НОСИРОВ.***

*Тошкент ш.,
2008 йил 16 октябрь
01-02/8-54-сон.*

***2008 йил 14 ноябрдан кучга киради.***

*ЎзР ДБҚнинг 2008 йил 16 октябрдаги 01-02/8-54-сон қарорига ИЛОВА*

### ДАВЛАТ ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ БОЖХОНА РЕЖИМИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 2.6-банд:

«мувофиқлик сертификати» сўзларидан кейин «баҳолаш ташкилотининг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарлар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ божхона органининг балансдан ташқари ҳисобварағида ҳисобга олинади».

2. 4.4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шахс давлат фойдасига воз кечган товарлар қуйидаги тартибда тасарруф этилади:

кам баҳоли тез эскирувчан материалларга кирувчи товарлар савдо ташкилотлари орқали реализация қилинади;

****Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.***

асосий воситаларга кирувчи товарлар (транспорт воситаларидан ташқари) Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг филиаллари орқали реализация қилинади;

транспорт воситалари кимошди савдолари ташкилотчилари орқали реализация қилинади.

Товарларни реализация қилиш учун жойлаштириш ҳақидаги қарорни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича ДБҚ бошқармасининг бошлиғи, ихтисослаштирилган божхона мажмуаси бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахс қабул қилади».

3. Қуйидаги мазмундаги 4.5-банд билан тўлдирилсин:

«4.5. Товарлар, транспорт воситалари реализациясидан божхона органининг ҳисобрақамига тушган пул маблағлари бюджет таснифининг тегишли параграфи бўйича балансдан ташқари ҳисобварағига тегишли ёзув киритган ҳолда давлат бюджети даромадига 3 банк иш куни давомида ҳисоблаб ўтказилиши керак.».

4. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси билан келишилган.

***Давлат мулкини бошқариш***
***давлат қўмитаси раиси***
***Д.МУСАЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 16 октябрь.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 22 ОКТЯБРДАГИ ПФ–4042-СОНЛИ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БЎЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 ноябрда 1867-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 44-45-сон, 450-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ–4042-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ–4042-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 7 августдаги 29, 85-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ–4014-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги (2008 йил 16 август, рўйхат рақами 1843 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 34-сон, 338-модда) қарори 2008 йил 16 ноябрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий***
***муҳофаза қилиш вазири в.б.***
***А.ҲАИТОВ.***
*59-сон*

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*105-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 31 октябрь.*

---

***2008 йил 15 ноябрдан кучга киради.**

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий*
*муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2008 йил 31 октябрдаги*
*59, 105-сонли қарори билан*
ТАСДИҚЛАНГАН

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 22 ОКТЯБРДАГИ ПФ–4042-СОНЛИ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БЎЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ–4042-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига биноан пенсия ва ижтимоий нафақаларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2008 йилнинг 16 ноябридан қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланади:

а) иш ҳақи ойига — 2 8040 сўм;

б) ёшга доир пенсиялар — ойига 55 550 сўм;

в) болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 55 550 сўм;

г) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига — 33 645 сўм.

2. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик

иш ҳақи инобатга олинади (28 040 сўм х 8 = 224 320 сўм).

3. Пенсия қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун, иловага мувофиқ йиллар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади.

4. Пенсионернинг иш ҳақлари тўғрисида маълумотлар бўлмаган ёки ўртача бир ойлик иш ҳақининг тузатувчи коэффициент қўлланилгандан кейинги янги миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори (28 040 сўм)га етмаса, пенсияни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялар, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун таянч миқдорлар ойига 55 550 сўм, III гуруҳ ногиронлик ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 27 775 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

5. Янги ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори 28 040 сўмдан 101 000 сўмгача (III гуруҳ ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун 92 583 сўм 33 тийингача) бўлган миқдорни ташкил этган ҳолларда пенсияларни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялари, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун пенсиянинг таянч миқдори ойига 55 550 сўм миқдорда, III гуруҳ ногиронлик пенсиялари ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 27 775 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсиялар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

6. Пенсионерлар бошқа тоифаларининг пенсияларини қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг саккиз ҳиссаси билан чегараланади (224 320 сўм);

олинган ўртача ойлик иш ҳақи, иш стажига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

7. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (28 040 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ–4042-сонли Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага*
ИЛОВА

**ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШДА ЎРТАЧА ОЙЛИК ИШ ҲАҚИНИ ТЕНГЛАШТИРИШ УЧУН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТУЗАТУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

| Даврлар | Коэфф. | Даврлар | Коэфф. |
|---|---|---|---|
| 1971 йил йилга қадар | 1169,2483 | 1994 йил 1 июлдан | 574,5317 |
| 1971 йил | 1139,4989 | 1994 йил 1 августдан | 470,9841 |
| 1972 йил | 1111,1943 | 1994 йил 1сентябрдан | 409,4530 |
| 1973 йил | 1075,6511 | 1994 йил 1 ноябрдан | 317,6938 |
| 1974 йил | 1003,4947 | 1995 йил 1 январдан | 317,6938 |
| 1975 йил | 981,474 | 1995 йил 1 мартдан | 160,8249 |
| 1976 йил | 960,4148 | 1995 йил 1 сентябрдан | 123,8322 |
| 1977 йил | 933,7586 | 1996 йил 1 январдан | 123,8322 |
| 1978 йил | 902,3632 | 1996 йил 1 апрелдан | 92,0527 |
| 1979 йил | 884,5915 | 1996 йил 1 сентябрдан | 64,2359 |
| 1980 йил | 861,8935 | 1997 йил 1 январдан | 64,2359 |
| 1981 йил | 845,6661 | 1997 йил 1 июлдан | 44,7236 |
| 1982 йил | 845,5691 | 1998 йил 1 январдан | 44,7236 |
| 1983 йил | 830,017 | 1998 йил 1 июлдан | 32,5537 |
| 1984 йил | 829,9221 | 1999 йил 1 январдан | 26,6608 |
| 1985 йил | 819,8747 | 1999 йил 1 августдан | 20,7677 |
| 1986 йил | 810,0235 | 2000 йил 1 августдан | 13,5246 |
| 1987 йил | 790,8974 | 2001 йил 1 августдан | 9,6615 |
| 1988 йил | 738,8333 | 2002 йил 1 апрелдан | 8,4016 |
| 1989 йил | 693,0486 | 2002 йил 1 августдан | 7,3044 |
| 1990 йил | 625,4349 | 2003 йил 1 майдан | 6,0871 |
| 1991 йил | 431,5733 | 2004 йил 1 августдан | 4,6827 |
| 1992 йил 1 январдан | 127,6005 | 2005 йил 1 майдан | 3,9016 |
| 1992 йил 1 июлдан | 59,6932 | 2005 йил 1 октябрдан | 3,2512 |
| 1992 йил 1 октябрдан | 28,6908 | 2006 йил 1 июлдан | 2,7094 |
| 1993 йил 1 январдан | 21,156 | 2006 йил 1 ноябрдан | 2,2579 |
| 1993 йил 1 апрелдан | 15,1683 | 2007 йил 1 августдан | 1,8063 |
| 1993 йил 1 июндан | 6,4734 | 2007 йил 1 ноябрдан | 1,6421 |
| 1993 йил 1 июлдан | 4,1569 | 2007 йил 1 декабрдан | 1,5052 |
| 1993 йил 1 сентябрдан | 3,1881 | 2008 йил 1 апрелдан | 1,3440 |
| 1993 йил 1 ноябрдан | 1,9351 | 2008 йил 1 сентябрдан | 1,1200 |
| 1994 йил 1 январдан | 1,4495 | 2008 йил 1 ноябрдан | 1,0600 |
| 1994 йил 1 мартдан | 0,8695 | 2008 йил 1 декабрдан | 1,0000 |
| 1994 йил 1 июндан | 0,5805 | | |

# ИККИ ЛАВОЗИМНИ БАНД ЭТМА

4-бетда

вақтини, шу жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

Энди якун чиқарамиз. Агар сиз олий ўқув юртида ишласангиз ва раҳбарлик лавозимини эгаллаган бўлсангиз (асосий иш жойи), меҳнат қонунчилигига мувофиқ олти кунлик иш ҳафтасида (ўқув юртларида эса айни шундай режим белгиланган) кундалик ишингиз муддати 7 соатдан ошмаслиги лозим. Тегишинча, ўриндошлик бўйича сиз бир кунда 5 соатдан ортиқ ишлаш ҳақли эмассиз (7+5 = 12). Ҳар куни 12 соатдан ортиқ ишлаш жисмоний жиҳатдан мумкин ҳам эмас дейиш мумкин (транспортда юришга вақт кетиши ва ўқув машғулотларига тайёргарликни ҳисобга олганда), қонунда ҳам бу нарса тақиқланган.

МКнинг 160-моддасида ҳам **бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик,** хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек **ўриндошлик асосида** иш бажарилганида – ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари **асосий ишидан бўш вақтида** меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажарганда **ва амалда бажарилган иш юзасидан ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори** иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланиши имконияти қайд этилган.

Учинчи саволга келганда шуни таъкидлаш лозимки, Ўриндошлик бўйича ишлаш шартлари тўғрисидаги низомнинг* 10-банди амалдаги қонунчилик меъёрларига зид эмас. Зеро юқорида баён этилганларнинг бари иккита раҳбарлик лавозимини тўлақонли қўшиб олиб боришнинг мумкин эмаслигини исботлайди. Бундан ташқари, унда «агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида белгиланмаган бўлса», деб таъкидланган. Қонунчиликда эса бунга бевосита рухсат берилмаган. Бундай вазиятда «тақиқланмаган бўлса, демак рухсат берилган» деган қоидага амал қилиб бўлмайди. Бунинг устига сиз асос қилиб келтираётган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 37-моддаси меҳнат қилиш, эркин иш танлаш ҳуқуқини **...қонунда белгиланган тартибда** тақдим этади.



***Ўз фикри билан***
***Елена КАНАЕВА ўртоқлашди.***

* *СССР Меҳнат давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги ва ВЦСПС Котибиятининг 1989 йил 9 мартдаги 81/604-К-3/6-84-сон қарори билан тасдиқланган.*


• РЕКЛАМА

**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**
**Республика Кўчмас мулк биржаси Андижон вилояти филиали**

Нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2008 йил 10 декабрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қўрғонтепа туман суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган Андижон вилоят хўжалик судининг 2007 йил 26 октябрдаги 17-0707-7165-сонли ижро варақасига асосан савдога қўйилган Қўрғонтепа т., ат Термизий кўчаси 1-уйда жойлашган «Само» ОАЖга қарашли 2 қаватли қурилиш майдони 2 123,56 кв. м., таъмирталаб маъмурий бино қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 458 741 624 сўм.**

Ушбу маъмурий бино билан Қўрғонтепа т. СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асакабанк» Андижон вилояти филиалидаги МФО: 00069, ИНН: 200933850, 22622000200571452003 ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8374) 224-48-53, 224-37-86.**
**Лицензия: DB 001 N 000004.**
**РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!**

**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**
**Республика Кўчмас мулк биржаси Фарғона вилояти филиали 2008 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Қўқон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Фарғона вилоят хўжалик судининг 2008 йил 25 июлдаги 15-08-01/7987-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Қўқон шаҳар А.Жомий кўчаси 70-уй манзилидаги «Бувайда Истиқлол» ХКда сақланаётган «МАЗ-5439» русумли тягач, д/р 30 с 82-49, 1995 йилда ишлаб чиқарилган. Шунингдек «МАЗ-9330» русумли ярим тиркама, давлат рақами 10 G 614, 1995 йилда ишлаб чиқарилган ярим тиркама қўйилмоқда.

Умумий бошланғич баҳоси – 81 171 000 сўм.

Ушбу автотранспорт воситалари билан Қўқон шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Савдо ташкилотчиси» РКМБ Фарғона вилоят филиалининг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, ИНН: 200933850, ҳ/р: 20210000700571452023.

**Манзил: Фарғона ш., М.Қосимов кўчаси, 35-уй. Тел: 8-373-224-68-70.**
**www.rkmb.uz**
**РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!**




# ШТАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ

***1. Юрист ва бош бухгалтер штатлар жадвалини уни корхона раҳбари тасдиқлашигача имзолашлари шартми? Штатлар жадвалига ўзгартиришлар иш берувчининг буйруғи билан киритилиши керакми ва ушбу буйруққа бухгалтерия ва юрист виза қўйиши лозимми?***

***2. Штатлар жадвалида барча қўшимча тўловлар ва устамалар акс эттирилиши керакми?***

***3. Бўлимлар, цехлар бошлиқларининг ўзларида штатлар жадвали нусхаси бўлиши керакми?***

**Корхона юристи.**

– **1.** Штатлар жадвали лавозимлар ва маошлар кўрсатилган ҳолда корхона ходимлари миқдор таркибининг рўйхатидир. Раҳбарнинг буйруғи ёки бошқа ҳужжати (масалан, фармойиши) билан тасдиқланади ва амалга киритилади ҳамда, одатда, унинг иловаси ҳисобланади.

Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида низомнинг *(ВМнинг 2007 йил 24 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 182-сон қарори билан тасдиқланган)* 7-бандига кўра **давлат ташкилоти** юристининг асосий вазифаларига корхона раҳбариятига тақдим қилинадиган барча буйруқларнинг (бинобарин, штатлар жадвалини тасдиқлаш тўғрисида буйруқнинг ҳам) амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини текшириш ва эътироз ҳамда таклифлари бўлмаса – уларга виза қўйиш киради.

Давлат **бюджет ташкилотларида** штатлар жадвалини қабул қилиш таомили, юқорида кўрсатилган талаблардан ташқари, у тасдиқланиши ва амалга киритилишига қадар штатлар жадвалини молия органларида раҳбарнинг ўтказиш борасида раҳбарнинг мажбурияти билан ҳам мураккаблаштирилган *(ВМнинг 1997 йил 14 июлдаги «Давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида» 358-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошиси).*

**Нодавлат ташкилотларидаги** юристларнинг фаолиятига келсак, уларга амалдаги қонунчилик томонидан худди шундай талаблар қўйилмаган. Бироқ, шунга қарамай, раҳбарнинг юрист зиммасига ана шундай мажбуриятни лавозим йўриқномаси ёки меҳнат шартномаси орқали юклаб қўйиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг сабаблари «Юристнинг визаси. У нега керак ва унинг йўқлиги нимага олиб келади?» мақоласида[1] баён этилган.

Меҳнат кодекси 153-моддаси биринчи қисмининг маъносидан келиб чиқиб, корхона раҳбари томонидан штатлар жадвалида белгиланадиган ходимларнинг маоши миқдори бирор-бир энг юқори доира билан чекланмаган деган хулоса чиқариши мумкин. Ходимлар маошини раҳбар уларнинг ҳар бири билан келишиб, бўш иш жойлари бўйича эса – корхона раҳбари мустақил равишда белгилайди. Шу тариқа, мазкур масала бухгалтерия вакиллари билан келишмасдан туриб ҳал қилинади, шу боис штатлар жадвалини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ лойиҳасига улар визаси қўйилиши талаб қилинмайди. Бироқ бухгалтер корхонада бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот функцияларини амалга ошириши сабабли мазкур мансабдор шахсни **раҳбар имзолаганидан кейин** бундай буйруқнинг мазмуни билан таништириш зарур.

Штатлар жадвалига ўзгартишлар у қабул қилинган тартибда – яъни раҳбарнинг буйруғи ёки бошқа ҳужжати билан киритилади. Янги штатлар жадвалини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруққа виза қўйишга қўйиладиган талаблар унга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги буйруққа нисбатан ҳам амал қилади.

**2.** Штатлар жадвалида қўшимча тўловлар ва устамалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш мажбурий эмас, мақсадга мувофиқ ҳам эмас, чунки мазкур тўловлар ходимлар меҳнатининг интенсивлиги ва иш шарт-шароитини ҳисобга олиб уларга маошдан ортиқча тўланадиган пул суммалари ҳисобланиб, биринчидан, одатда мунтазам тусда бўлмайди, иккинчидан, тез-тез ўзгариши мумкин. Шу сабабли, фикримизча, мазкур тўловлар миқдори корхонада иш берувчининг алоҳида буйруғи ёки жамоа шартномаси билан белгиланиши етарлидир. Бироқ штатлар жадвалида бундай тўловлар тўғрисида маълумотларнинг бўлиши **амалдаги қонунчиликни бузиш ҳисобланмайди.**

**3. Цехлар ва бўлимларнинг бошлиқларига, бундан бош бухгалтер мустасно, корхона бутун штатлар жадвали нусхасини беришга зарурат йўқ,** чунки мазкур мансабдор шахсларда ишга қабул қилиш ҳуқуқи йўқ, улар бундай буйруқни ёки бошқа ишга ўтказишни расмийлаштирмайдилар ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот функцияларини бажармайдилар.

Айни вақтда, шубҳасиз, корхона ҳар қандай таркибий бўлинмасининг раҳбари ўз бўлими (цехи)даги лавозимлар миқдори ва турлари, шунингдек бўш иш жойларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги хусусида хабардор бўлиши керак. Шу сабабли, фикримизча, аниқ бўлим ёки цех хусусидаги мазкур ахборотни ушбу бўлинмалар бошлиқларига штатлар жадвалидан кўчирма шаклида тақдим этиш фойдали бўлади.

Бош бухгалтерга келсак, мазкур мансабдор шахсга корхона бутун штатлар жадвали нусхасини қуйидаги мақсадларда тақдим этиш зарур:

– тўғри солиқ солиш (масалан, меҳнатга ҳақ тўлаш фондини аниқлаш ва ундан ягона ижтимоий тўловни тўлаш учун бухгалтер ходимларнинг маошлари миқдорлари тўғрисидаги маълумотларга, ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш учун – корхона ходимларининг миқдор таркиби тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши зарур ва ҳоказо);

– иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш.

Лавозимлар рўйхатини кўрсатган ҳолда корхона ходимларининг миқдор таркиби тўғрисидаги маълумотлар шунингдек кадрлар бўлими ходимларига ҳам зарур, чунки улар корхона раҳбарининг кўрсатмасига кўра янги ходимларни ишга қабул қилишни, бошқа ишга ўтказишлар ва ҳоказоларни расмийлаштирадилар. Бироқ кадрлар бўлимининг ходимлари томонидан корхонада иш юритиш, барча буйруқлар ва уларга иловалар, шу жумладан штатлар жадвалининг асл нусхаларини ҳам сақлаш функциялари амалга оширилиши сабабли кадрлар бўлими бошлиғининг қўлида штатлар жадвали нусхаси бўлиши шарт эмас. Бироқ агар зарурат юзага келса, у буни қилиши мумкин.

***Екатерина БУХТИЯРОВА,***
***«Norma» МЧЖ эксперт юристи.***

[1] *«Норма маслаҳатчи» газетасининг 2008 йил 22-23 (151-152)-сонларига қаранг.*

Бизнес
# Панорама
РЕКЛАМА & АХБОРОТ

«Норма маслаҳатчи» 47 (176)-сон 2008 йил 21 ноябрь



## МУҲР ВА ШТАМПЛАР ТАЙЁРЛАШ
Хизматлар лицензияланган
Тел.: 254-39-27, 281-46-57

"Elit Stamp" МЧЖ
ТАЙЁРЛАЙДИ



## МУҲР ва ШТАМПЛАР
реквизит ва факсимил штампчалар, шунингдек автоматик жиҳозлар
Манзил:
Корасарой кўч., 270 (собиқ туман ижроия қўмитаси), 4-қават
мўлжал: Собир Раҳимов туман солиқ инспекцияси
e-mail: elitestamp@mail.ru
тел.: 766-0977, 769-0100, факс 248-3045
Хизматлар лицензияланган



SANAY Co.Ltd
"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли
## К А Ф Е Л Ь
сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40
**Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз**
Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган
Тошкентдаги омбордан сотилади
Тўлов – исталган шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com



## Millenium Inform
## ОБУНА 2009
✓ГАЗЕТАЛАР ✓ЖУРНАЛЛАР ✓КИТОБЛАР
763-00-50, 763-00-40, 235-92-13



UZAGROEXPO 2008
4-я Международная специализированная
## ВЫСТАВКА УЗАГРОЭКСПО – 2008
**28 – 30 ноября, 2008**
Узэкспоцентр, 1Павильон.
- Сельское хозяйство
- Ветеринария. Животноводство.
- Агрохимия.
- Упаковка
- Оборудование для пищевой промышленности.
- Торговое оборудование.
- Продукты питания.

IEG UZBEKISTAN
Организаторы
IEG Uzbekistan
Узбекистан, 100084, Ташкент
ул. А. Тимура, 107Б
МБЦ, 4С-02
Тел/ факс.: +(998 71) 238-5988/ 82
E-mail: agro@ieguzexpo.com
cfs@ieguzexpo.com
www.ieguzexpo.com

ПРИ ОФИЦИАЛЬНОЙ ПОДДЕРЖКЕ:
Министерство сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан
Торгово-промышленная палата Республики Узбекистан
Ассоциация фермерских хозяйств Республики Узбекистан.



Polygraf Media
СИФАТ БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ
- Бланкалар
- Бандероллар
- Тезтиккичлар
- Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

АГЕНТ ВА ДИЛЕРЛАР ХАМКОРЛИККА ТАКЛИФ КИЛИНАДИ
Тел./факс: 150-0090, 150-0091
Уяли: 904-00-90, 905-00-90


"Бизнес-панорама. Реклама & ахборот" рукни "Premier-press" реклама агентлиги томонидан тайёрланди. Тел.: 237-51-33, 237-51-24.


Бухгалтерлар ва аудиторларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ўқув-услубий маркази
Хизматлар лицензияланган
Курслар ЎзР МВ тасдиқлаган дастурлар бўйича ўтилади
(ЎзР МВнинг 59-сон лицензияси)
**АУДИТОРЛАР ТАЙЁРЛАШ** - 200 соат
**АУДИТОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ** - 60 соат
Халқаро сертификатлаш дастури (САР) доирасидаги курслар
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ 1
БОШҚАРУВ ҲИСОБИ 1
СОЛИҚЛАР ВА ҲУҚУҚ
АУДИТ
"БОШЛОВЧИЛАР УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ" курси
ЎУМдаги барча ўқитувчилар САР ва ЎзР МВ сертификатлари соҳибларидирлар
Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 49, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 10-қавати
232-09-36, 733-41-51



**9-11 декабрь**
"Интерконтиненталь" меҳмонхонаси
## РЕКЛАМА САНОАТИ 2008
халқаро кўргазма
РЕКЛАМА САНОАТИ
РЕКЛАМА МАТБАА ДИЗАЙН

### ТАКЛИФ ЭТАМИЗ
- Корхона ва ташкилотлар раҳбарларини
- Турли фаолият соҳасидаги корхоналарнинг маркетинг ва реклама бўлими мутахассисларини (реклама берувчиларни)
- Реклама агентликлари, фото- ва дизайн студиялари мутахассисларини
- Реклама, матбаа, дизайн соҳасидаги сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш ниятида бўлган барчани

### СИЗ УЧУН
- БЕПУЛ АХБОРОТ СЕМИНАРЛАРИ
- МАСТЕР-КЛАССЛАР
- Кўнгилочар қувноқ тадбирлар, викториналар ва совринли ўйинлар
- Кўргазма иштирокчиларининг тақдимотлари

Ташкилотчилар
EXPOCONTACT
Advertising Association
Официальная поддержка
Официальная сотовая связь
Ucell
Информационная поддержка
НОРМА
НЕДЕЛЯ
НОВОСТИ УЗБЕКИСТАНА
ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ

САВОЛЛАР БЕРИНГ!
387-64-46, 381-87-70
ssp-expocontact@mail.ru

Дизайнерларни ўз ишларини "ДИЗАЙН-ГАЛЕРЕЯ" бўлимида тақдим этишларини таклиф этамиз.



## УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ
www. restoran.uz



## www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

РАСМИЙ ДИЛЕР
"УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ" ОАЖ
"VOSTOK RUS AVTO" МЧЖ ХИИК

UAZ

**Тошкентдаги омбордан УАЗ русумидаги барча автомобиллар ва ишлаб чиқарувчидан эҳтиёт қисмларни сотади ҳамда кафолат ва техник хизматлар кўрсатади.**



UAZ Patriot Classic,
UAZ Patriot Comfort,
UAZ Patriot Limited



Товар сертификатланган

UAZ Hunter



Комбинацияланган УАЗ-3909 фермер
Яхлит металли фургон УАЗ-3741
Махсус юк ва йўловчи ташувчи УАЗ-39625
Микроавтобус УАЗ-2206
Санитар автомобили УАЗ-3962



Комбинацияланган УАЗ-39094 фермер



Бортли УАЗ-3303

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Х.Дўстлиги кўч., 27. E-mail: vostokrusavto@bk.ru


**• РЎЙХАТЛАР**

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2008 йил 7 ноябрдаги 11-0806/14728(19)-сонли ҳал қилув қарорига асосан Ўртачирчиқ туманидаги «Икром Наргиза» ФХ банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга оид иш бошланган. Тугатиш бошқарувчиси этиб Ўртачирчиқ туман ДСИ ходими И.Игамбердиев тайинланган. Ушбу корхонанинг белгиланган тартибга кўра топширилмаган думалоқ муҳри ва бурчак штампи бекор қилинади. Кредиторларнинг талаблари ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, Ўртачирчиқ туман ДСИ биноси, 1-қават, 19-хона.


JETRO
Japan External Trade Organization

# Япония ускуналари

# озиқ-овқат саноати учун*

## 28-30 ноябрда
## ЎЗОЗИҚОВҚАТТЕХЭКСПО 2008 кўргазмасининг

## ЖЕТРО
## (Япониянинг ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти)
## стендида

**Ўтказиш жойи: Ўзэкспомарказ, 1-павильон**

**Тошкентдаги телефон 120-5591**
**www.jetro.go.jp/uzbekistan**
**ЎзР ССП кўмагида**

*** Ахборот ва каталоглар**

pr_8-47-01


**• РЎЙХАТ**

Зангиота туман ДСИ томонидан қуйидаги хусусий тадбиркорларга берилган тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва импорт операциялари субъектини ҳисобга олиш карталари бекор қилинди:

1. Жўраев Шуҳрат Тўрабоевичга 2008 йил 22 апрелда берилган 019375-сонли гувоҳнома ва ҳисобга олиш картаси.
2. Тиллаев Тўра Маҳкамовичга 2008 йил 16 майда берилган 045038-сонли гувоҳнома ва ҳисобга олиш картаси.
3. Қосимов Акромжон Аҳмаджоновичга 2008 йил 17 январда берилган 019451-сонли гувоҳнома ва ҳисобга олиш картаси.
4. Останакулов Одилга 2007 йил 4 июнда берилган 019174-сонли гувоҳнома ва ҳисобга олиш картаси.
5. Худоёрова Дилором Шамсутдиновнага 2008 йил 7 апрелда берилган 019367-сонли гувоҳнома ва ҳисобга олиш картаси.


Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов



*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*



Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди (Тошкент ш., А.Навоий кўч., 30).
Буюртма J6371. Адади 5505. Баҳоси келишилган нархда
*Газета 2008 йил 20 ноябрда соат 16.30 да топширилди.*
*ISSN 2010-5223*